



XALQ DEPUTATLARI YANGIQO'RG'ON TUMAN KENGASHI QARORI

2022 йил «26» январь

VI-35-7-6-90-K/22

Янгиқўрғон туман ҳокимлиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарорига асосан, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган жамоатчилик фикри асосида шаклланган ва овоз бериш якунига кўра “ғолиб” таклифларга йўналтирилган маблағларни ижроси ҳамда кейинги йўналтириладиган маблағлар тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарорида белгиланган вазифаларнинг ижросини тизимли равишда ташкил қилиб бориш зарурлиги ва юқоридаги қарорлардан келиб чиққан ҳолда, Халқ депутатлари туман Кенгашининг 2021 йил 28 апрелдаги 25/7-06-сон қарори ва унга асосан туман Ишчи гуруҳи таркиби, маблағларни жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ тасдиқланган.

Шундан сўнг, ушбу тадбирлар учун ҳозирги кунга қадар амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот бериб ўтди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сонли қарорига мувофиқ, Янгиқўрғон туманида фуқароларни қийнаб келаётган муаммолар бўйича таклифларни молиялаштириш учун маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан **663 .4** миллион сўм маблағ шакллантирилганлиги, Молия вазирлиги томонидан очилган Очик бюджет (openbudget.uz) порталида 2021 йил 1 июлдан 1 августга қадар бўлган даврда туман фуқаролари томонидан жами 127 216.0 млн. сўмлик 485 та таклиф киритилганлиги ва таклифлар Ишчи комиссиянинг 2021 йил 4 августдаги йиғилишида ушбу таклифлар комиссия аъзолари томонидан лойиха қийматлари қайта кўриб чиқилиб, 109 та таклиф такрорий бўлганлиги, 8 та таклиф лойиха қиймати 663.4 млн. сўмдан ортиқ бўлганлиги, 2 та таклиф бюджет ташкилотини 2021 йил харажатлар сметасида маблағлар режалаштирилганлиги ҳамда қолган 4 та таклифда шахсий манфаатдорлик бўлганлиги сабабли рад этилганлиги ҳамда рад этилган таклифлар бўйича

таклиф берган шахснинг шахсий кабинетига рад этишнинг асосланган сабаблари тўғрисида хабарнома юборилган.

Танлаб олинган 86 млрд. 800 млн. сўмлик 363 та таклифлар, жамоатчилик ўртасида йиғирма кун давомида овоз бериш жараёнига рухсат берилган ва овоз бериш жараёни жорий йил 12 августдан 2 сентябрга қадар этиб белгиланган.

Фуқаролар томонидан овоз бериш жараёнига рухсат этилган, 363 та таклифдан 45 тасига жами 12 243 та овоз берилди.

Овоз бериш якунига кўра, Молия Вазирлигининг 2021 йил 6 сентябр кунги “Туман ва шаҳарларда фуқаролар томонидан билдирилган таклифлар асосида ғолибларни аниқлаш юзасидан” қўлланмаси талаблари асосида жамғармада шаклланган маблағ доирасида ЭНГ КўП овоз олганлардан бошлаб, пастга қараб, олти таклиф “ғолиб” деб топилди. Булар Янгикўрғон туман халқ таълими бўлимига қарашли 10-сонли умумий ўрта таълим мактабига мини футбол майдончаси қуриш (таклиф ID рақами 0810300029) харажатлари учун 500,0 (беш юз) миллион сўм, Янгикўрғон туман марказидаги истирохат боғи қуриш қисмини жорий таъмирлаш (таклиф ID рақами 0810300069) харажатлари учун 130,0 (Бир юз ўттиз) миллион сўм, 51-сонли умумий ўрта таълим мактаби биносининг жорий таъмирлаш (таклиф ID рақами 0810300267) харажатлари учун 180,0 (бир юз саксон) миллион сўм, 2-сонли умумий ўрта таълим мактабига қўшимча бино қуриш (таклиф ID рақами 0810300075) харажатлари учун 500,0 (беш юз) миллион сўм, 1-сонли болалар-ўсмирлар спорт мактаби спорт залининг иссиқлик тизимини таъмирлаш (таклиф ID рақами 0810300015) харажатлари учун 170,0 (бир юз етмиш) миллион сўм ҳамда Тиллатепа маҳалла фуқаролар йиғинидаги Хақиқат кўчаси аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш (таклиф ID рақами 0810300003) таклифлар ғолиб деб топилди.

Ғолиб деб топилган ташаббуслар туман Халқ депутатлари туман кенгашининг 2021 йил 10 октябрдаги йиғилишида муҳокама қилиниб тегишли соҳа раҳбарларига ўз вақтида ишларни бажарилишини ва молиялаштириш чораларини кўриш кераклиги бўйича қарор қабул қилинди. Бугунги кунга келиб барча ғолиб деб топилган ташаббуслар учун маблағлар тўлалигича молиялаштирилиб берилган ва ажратилган маблағлар доирасида лойиха сметалари тайёрланиб пудратчи ташкилотлар билан шартномалар тузилган. Лойиха сметаларига асосан пудратчи ташкилотлар томонидан белгиланган ишлар тўлиқ якунига етказилиб пудратчи ташкилотлар ҳисобига маблағлар 100 фоиз ўтказиб берилди.

Кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиб, Халқ депутатлари Янгикўрғон тумани Кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарорида белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан ҳисоботи маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими (К.Усманов)га,

Жорий йилда ташкил этиладиган очик бюджет жараёнларида ҳар бир маҳалла ва қишлоқ аҳолисининг тўлақонли иштирокини таъминлаш учун ҳар бир маҳаллаларда ташаббускор бурчаклари ташкил этилсин ва бунинг асносида мобил гуруҳлар тузилиб улар рўйхатиға маҳаллаларға бириктирилган ҳоким ёрдамчилари ва шу маҳаллалардаги ёшлар етакчилари ҳам киритилсин.

3. Туман ҳокимлигининг молия бўлими (Б.Боймирзаев)га,

Жорий йил учун маҳаллий бюджет маблағларининг 5 фоизи, эркин қолди маблағларининг 30 фоизи ҳамда 2021 йил учинчи чорак якунлари бўйича маҳаллий бюджет даромадларининг ортиқча бажарилган қисмининг 30 фоиз маблағлари туман фуқаролар ташаббуси жамғармаси ҳисобига ўтказсин ва 2022 йил учун харажатлар сметасини шакллантирсин.

4. Туман ҳокимлиги молия бўлими (модератори)га,

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 7 апрелдаги 26-сонли буйруғига асосан “Бюджет жараёнининг очиклигини таъминлаш мақсадида расмий веб сайтларда маълумотларни жойлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомининг иловаларида берилган жадваллар асосида маълумотларни шакллантирсин.

5. Туман ҳокимлигининг ахборот хизмати раҳбари-матбуот котиби (Б.Собиров) ва туман “Янгиқўрғон ҳаёти” газетаси (Д.Асқарова) билан биргаликда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган ташаббуслар ҳамда амалга оширилиши лозим ишлар бўйича маълумотларни “Очик бюджет” порталига жойлаштирилиши ва кенг жамоатчиликка мунтазам ёритиб борилишини таъминласин.

6. Туман бюджетларининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағларининг белгиланган мақсадларда ва самарали фойдаланилиши ҳамда маблағларнинг ажратилиши учун тақдим этиладиган барча ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига Ишчи комиссия аъзолари шахсан жавобгарлиги эслатиб ўтилсин.

7. Туман ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари (М.Сотиболдиев), Туман электр тармоқлари корхонаси раҳбари (А.Рустамов), Туман газ унитар корхонаси раҳбари (Б.Юсупов), туман ободонлаштириш бошқамаси бошлиғи (Б.Сотиболдиев) ва туман йўл қурилиш бошлиғи (Р.Зиёвуддинов) ларга, фуқаролар томонидан киритилган ташаббусларни қанчалик тўғри киритилганлиги ёки белгиланган суммалар амалга оширилиши керак бўлган ташаббуслар учун етарлилигини тўлиқ кўриб чиқиб хулоса берсинлар.

8. Мазкур қарор ижросининг назорати Халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари зиммаларига юклатилсин.

9.Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Tuman hokimi



A.Najmiddinov

Халқ депутатлари Янгиқўрғон туман Кенгашининг
2022 йил 26 январдаги
VI-35-7-6-90-К/22-сон қарорига
1-илова

**2021 йил Ташаббусли бюджетлаштириш натижалари бўйича
МАЪЛУМОТ**

минг сўм

1-жадвал

Т/р	Кўрсаткич номи	Сумма (минг сўм)
1	Йил бошига қолдиқ	0,0
2	Фуқаролар ташаббуси жамғармасига ўтказилган маблағлар*	1 804 773,0
3	Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган (ғолиб деб топилган) тадбирларни молиялаштириш учун йўналтирилган маблағлар**	1 490 000,0
3.1.	Тадбирларни амалга ошираётган пудратчи ташилотларга бажарилган ишлар учун тўланган маблағлар	1 323 216,6
3.2.	Тадбирларни молиялаштиришга ажратилган, бироқ пудратчи ташилотларга тўлаб берилмаган қолдиқ маблағлар	163 498,8
4	Фуқаролар ташаббуси жамғармасидаги қолдиқ маблағлар	314 773,0

Халқ депутатлари Янгиқўрғон туман Кенгашининг
2022 йил 26 январдаги
VI-35-7-6-90-К/22-сон қарорига
2-илова

2021 йил "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси" маблағларини шакллантирилиши юзасидан

МАЪЛУМОТ

Т/р	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари	Фуқаролар ташаббуси жамғармасига йўналтирилиши лозим бўлган маблағлар				Фуқаролар ташаббуси жамғармасига ҳақиқатда ўтказилган маблағлар	Фарқи	Изоҳ
		1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак			
1	Туман (шаҳар) бюджетининг тасдиқланган умумий харажатларининг 5 фоиз қисми миқдоридан ажратиладиган маблағлар						0	
2	Туман (шаҳар) бюджетининг қўшимча манбаларининг 30 фоизи миқдоридан ажратиладиган маблағлар	177400	60100	426000	304300	967800	0	
2.1.	эркин қолдиқ маблағлари	177400				177400	0	
2.2.	даромадларнинг ҳисобот чораклари якунлари бўйича аниқланадиган прогностдан ошириб бажарилган қисми		60100	426000	304300	790400	0	
2.3.	Шу жумладан давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар						0	
2.4.	электрон савдо майдончасида ер участкаларига бўлган ҳужуқларни сотишдан тушган маблағлар						0	
2.5.	бюджетдан ажратиладиган маблағлар қаматитирилиши натижасида бўшаб қолган маблағлар						0	
3	Жами ажратиладиган маблағлар	177400	60100	426000	304300	967800	0	

Халқ депутатлари Янгиқўрғон туман Кенгашининг
2022 йил 26 январдаги
VI-35-7-6-90-К/22-сон қарорига
3-илова

2021 йил "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси" маблағларини шакллантирилиши юзасидан

МАЪЛУМОТ

минг сўм

Т/р	Бажарилган тадбирлар номи	Молиялаштирилган тақлифлар сони	кўрсаткичлар		
			ўлчов бирлиги	миқдори	сарфланган маблағлар
1	Худудий ички йўллар таъмирлаш		умумий узунлиги км		
2	Умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва жиҳозлаш	3	сони	3	1 177 584,6
3	Мактабгача таълим муассасаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш		сони		
4	Соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш		сони		
5	Бошқа ижтимоий соҳа муассасаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш	1	сони	1	169 758,0
6	Ичимлик суви таъминотини яхшилаш	1	умумий узунлиги метр	400	9 816,1
7	Кўча чирокларини ўрнатиш		чироклар сони		
8	Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш	1	тадбирлар сони	1	129 556,7
9	Бошқа тадбирлар		сони		
жами		6	X	X	1 486 715,4

Халқ депутатлари Янгиқўрғон туман Кенгашининг
2022 йил 26 январдаги
VI-35-7-6-90-К/22-сон қарорига
4-илова

**2021 йил "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси" дан жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган (қолиб деб топилган)
тадбирларни молиялаштириш учун
йўналтирилган маблағлар юзасидан
МАЪЛУМОТ**

Т/р	Тадбирнинг хос рақами (ID)	Жами тўплан- ган овозлар сони	шундан			Тадбирнинг қисқача мазмун (соҳаси)	Тадбирнинг молиялаштирилиши (минг сўм)					Қолдиқ маблағлар
			он- лайн овоз- лар	оф- лайн овоз- лар	SMS орқа- ли		Тадбирнинг учун очилган ҳисобварақ	Тадбирнинг фуқаро томонидан киритилган дастлабки киймати	Тадбирни амалга ошириш киймати*	Ажратилган маблағлар	Бажарилган ишлар учун тўлаб берилган маблағлар	
1	0810300029	3383	41	0	3342	Умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш	401722860142427092100075001	500 000,0	497 828,8	497 828,8	497 828,8	0,0
2	0810300069	2130	3	25	2102	Аҳоли дам олиш масканларини таъмирлаш ёки моддий-техник базасини ривожлантириш	401722860142427065200110001	130 000,0	129 556,7	129 556,7	129 556,7	0,0
3	0810300267	1681	19		1662	Умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш	401722860142427092100075006	180 000,0	179 757,9	179 757,9	179 757,9	0,0
4	0810300075	1503	7	0	1496	Умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш	401722860142427092100075005	500 000,0	499 997,9	499 997,9	336 499,1	163 498,8

минг сўм

5	0810300015	859	32	97	730	Спорт муассасаларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш	401722860142427083610245001	170 000,0	169 758,0	169 758,0	169 758,0	0,0
6	0810300003	38	15	2	21	Ичимлик суви ва оқава тизимини яхшилаш	401722860142427063100018001	10 000,0	9 816,1	9 816,1	9 816,1	0,0